

## Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 444-ҳадис

444 - وَعَنِ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، يَقُولُ: «يُدْنِي الْمُؤْمِنُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مِنْ رَبِّهِ حَتَّىٰ يَضَعَ عَلَيْهِ كَنْفُهُ، فَيَقِرِّرُهُ بِذُنُوبِهِ؛ فَيَقُولُ: أَتَعْرِفُ ذَنْبَ كَذَا؟ أَتَعْرِفُ ذَنْبَ كَذَا؟ فَيَقُولُ: أَيْ رَبِّ أَعْرِفُ، قَالَ: فَإِنِّي قَدْ سَتَرْتُهَا عَلَيْكَ فِي الدُّنْيَا، وَأَنَا أَعْفُهُا لَكَ الْيَوْمَ، فَيُعْطَى صَحِيفَةً حَسَنَاتِهِ» مُتَفَقُّ عَلَيْهِ [خ 4685، م 2768].

(كنفه): سَتْرَهُ وَرَحْمَتُهُ.

444. Ибн Умар розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни шундай деганларини эшигтанман:

«Киёмат куни мүмин банды Робби азза ва жаллага яқинлаштирилади. Аллоҳ таоло унинг устидан пардасини ёпади. Сўнг уни гуноҳларига иқрор қилдириб, «Ана шу гуноҳларни биласан-а? Ана шу гуноҳларни биласан-а?» дейди. У «Биламан, эй Роббим», дейди. У Зот: «Сенинг гуноҳингни дунёда яширган эдим, бугун эса уларни мағфират қиласман», дейди. Сўнг унга яхшиликлар (ёзилган) сахифаси берилади.

Муттафакун алайҳ.

**Шарх:** Ҳадиснинг тўла шакли куйидагичадир:

Сафвон ибн Мухриздан ривоят қилинади:

«Бир киши Ибн Умарга: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан нажва

(Қиёматдаги холи сұхбат) ҳақида нима әшитгансан?» деб сүради. Ибн Умар шундай деди: «Набий соллаллоху алайхі васалламнинг шундай деганларини әшитганман: **«Киёмат куни мўмин банда Робби азза ва жаллага яқинлаштирилади. Аллоҳ таоло унинг устидан пардасини ёпади. Сўнг уни гуноҳларига икрор қилдириб, «(Шу гуноҳларни) биласан-а?»** дейди. У «Биламан, эй Роббим», дейди. У Зот: **«Сенинг гуноҳингни дунёда яширган эдим, бугун эса уларни мағфират қиласман»**, дейди. Сўнг унга яхшиликлар (ёзилган) сахифаси берилади. Кофир ва мунофиқларга эса бутун халойик ичида **«Манавилар Аллоҳга нисбатан ёлғон айтишган эди!»** деб нидо қилинади». (Имом Муслим ривояти).

«Аллоҳга яқинлаштирилади», дейилганда карам ва яхшилик ила яқинлаштириш тушунилади. Чунки Аллоҳ масофа ила яқинлашишдан покдир».

#### **Хадисдан олинадиган хуносалар:**

- Иймон аҳлига Аллоҳ таолонинг инояти ҳамда дунё ва охиратда уни сатр қилиши.
- Мўмин банды дунё ва охиратда ёлғон сўзламайди.
- Эътироф гуноҳларни ўчиради.
- Имкони борича мўмин гуноҳларини яширишга ундалмоқда.
- Бандаларнинг барча амалларини Аллоҳ ҳисоблаб боради. Ким яхшилик топса, Аллоҳга ҳамд айтсин. Ким бундан бошқа нарса топса, факат ўзини маломат қилсин. У киши Аллоҳнинг хоҳишида бўлади.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



